

АХЛОҚНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ (Г.В.Ф. ГЕГЕЛ АСАРЛАРИ ТАЛҚИНИДА)

Саитмуродов Жобиржон Боймурод ўғли

Республика Маънавият ва маърифат маркази

қошидаги Ижтимоий-маънавий тадқиқотлар

институтининг докторанти

Телефон рақами: 90 097 10 17

e-mail: saitmurodovjobir@gmail.com

Аннотация: Мақолада немис файласуфи Г.В.Ф. Гегелнинг ахлоқ тушунчасига муносабати, унинг келиб чиқиш хусусиятлари ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳақида сўз боради. Файласуф ахлоққа оид яхлит концепция яратмаган бўлсада, уни ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” ва бошқа асарларида жамият ва давлат ҳаётида муҳим эканлигини исботлашга ҳаракат қилиб, унинг келиб чиқишини диалектик услуб билан ёритишга ҳаракат қилган.

Калит сўзлар: ахлоқ, ирода, мақсад, ният, эзгулик, яхшилик, виждон.

Аннотация : В статье немецкий философ Г.В.Ф. В статье рассматривается отношение Гегеля к понятию морали, ее истокам и месту в жизни общества. Хотя философ не создал целостной концепции морали, он пытался в своей «Философии права» и других трудах доказать ее значение в жизни общества и государства, а также пытался диалектически объяснить ее истоки.

Ключевые слова: нравственность, воля, цель, намерение, доброта, совесть.

Гегел фалсафий тизимини яқунлаб берувчи “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида ахлоқ масаласига атрофлича ёндашилган. “Гегелнинг ахлоқ ҳақидаги тушунчаси ахлоқ соҳасидаги буюк фалсафий синтезларнинг ифодасидир”¹⁶². Ҳақиқатданда файласуфнинг ахлоқ тушунчаси инкорнинг инкори сифатида

¹⁶² Bünyamin Bezci, “Hegel’in felsefesinde etik, politik olan ve özgürlük”, Dokuz Eylül Üniversitesi İktisadi ve İdari Bilimler Fakültesi Dergisi Cilt:21 Sayı:2, Yıl:2006, ss.240. .

қўлланилади. Лекин шуни унутмаслик керакки, Гегелнинг ҳуқуқ фалсафасининг бош мавзуси сифатида ҳуқуқ кўрсатилиб, у ижтимоий онгда англандан эркинлик сифатида абстракт ҳуқуқ, ахлоқ ва ахлоқийлик (ижтимоий ахлоқ деб атасак ҳам бўлади) босқичларини диалектик қонуниятлар асосида босиб ўтади. Демак ахлоқнинг муҳим жиҳати шундаки, у ҳуқуқнинг зарур борлиғи сифатида намоён бўлиб, унинг умумий ва ўзига хос хусусиятларини очиб беради.

Ахлоқ субъектив ироданинг бошқа субъектлар иродасига нисбатан ижобий бўлишини назарда тутса, ҳуқуқ эса ўзида тақиқловни назарда тутиб, субъект ўзининг ҳуқуқий ҳатти-ҳаракатлари орқали бошқа субъектлар иродасини ҳисобга олмайди. Бундан шуни тушуниш мумкинки, Гегелда ахлоқ субъектив ирода томонидан амалга оширилади, лекин объектив иродани ҳам ҳисобга олади ва хусусий борлиғидан воз кечади. “Ахлоқнинг бошқалар ихтиёрини эътироф этиши туфайли ўзининг ижобий мазмун касб этишини англатса, ҳуқуқ учун эса “менинг” ихтиёримнинг амалга ошишида бошқаларнинг ихтиёри ўринли ёки ўринсиз эканлиги аҳамиятсиздир”¹⁶³. Шу боисдан биз Гегелнинг ахлоқ ва ҳуқуқ масаласига ёндашувидаги муҳим тушунча – ирода га тўхталишимиз мақсадга мувофиқ бўлар эди. “Ҳуқуқ ... маънавий тушунча бўлиб, унинг келиб чиқиши ёки аниқроқ ўрни эркин иродага бориб тақалади”¹⁶⁴.

Шундай қилиб, эркинлик ироданинг мазмуни ва муҳим характерини ташкил қилади. Ҳуқуқий тизим эса ўзини эркинлик дунёсида амалга оширади дейишимиз мумкин. Эркинлик ироданинг асоси эканлигини Гегел борлиқдаги материянинг ўлчовга эга эканлиги билан қиёслашга ҳаракат қилади. Яъни ҳар қандай материя борки ўз ўлчови ёки вазнига эга. Материяда ўлчовга эга бўлмаган нарса йўқ, аслида материя бир оғирликдир. Эркинлик ва ирода ҳам худди материя ва ўлчов сингари бир-бирини тақозо этади дея эркинлик ва ироданинг бир-бирига боғлиқлигини тушунтиришга ҳаракат қилади.

Шунингдек файласуф ироданинг фикр билан боғлиқлигига ҳам тўхталиб, улар ўртасидаги фарқни назарий ва амалий муносабатларда деб кўрсатиб ўтади. Уларни алоҳида иккита соҳа эмас балки, “ирода - бу алоҳида фикрлаш усули; у

¹⁶³ Фахриддин Мухитдинов, “Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси”, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, Тошкент. 2007. 51-бет.

¹⁶⁴ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W. Dyde. Ontario, 2001. page.28.

ўзини ҳақиқатга айлантирувчи фикрдир; у ўз-ўзидан ҳақиқатни бериш учун фикрнинг турткисидир”¹⁶⁵. Шундай қилиб Гегел фикр ва ирода ўртасидаги фарқни шу тарзда ифодалашга ҳаракат қилади. Бу ерда шундай савол туғилиши мумкин ирода ахлоқ ва ҳуқуқни келтириб чиқаришда муҳим рўлни ўйнар экан унинг мазмунини нима ташкил этади? Файласуф ўзининг “Ҳуқуқ фалсафаси” асарида “импулс ва майл ирода мазмуни”¹⁶⁶ эканлигини келтиради. Ирода ҳам ўзини ахлоқ тарзида субъектда намоён бўлишини инкорни-инкор шаклида ифода этади. Яъни субъектда маълум импулслар пайдо бўлади бу тезис, импулслар таъсирида майлнинг вужудга келиши антитезис бўлса, фикрлаш ёки субъектнинг тафаккур қилиши унинг синтезидир.

Гегелда ироданинг шахсда намоён бўлиши шу тартибда кечади дейишимиз мумкин. Файласуфнинг ўзидан олдинги мутафаккирлардан фарқи ҳам шунда, яъни у субъектив ирода ўзини ахлоқ ва ҳуқуқ тарзида намоён этишида ақлий ирода муҳим рўл ўйнаш ғоясини илгари суради. Шу тарзда Гегелнинг ирода эркинлиги табиий ирода, ўзбошимчалик ва ақлий ирода каби уч босқичдан иборатдир. Ҳар бир босқич ахлоқнинг субъектда намоён бўлишида ўз ўрнига эга. Шу билан бир қаторда ахлоқ тушунчаси Гегелнинг “ҳуқуқ фалсафаси”да антитезис шаклида намоён бўлишини эслатишимиз ўринлидир. Бу ерда ахлоқ абстракт ҳуқуқнинг инкори сифатида, унинг ривожланган босқичидир.

Гегел ахлоқ тушунчасига ёндашуви бевосита инсоннинг ички ҳис туйғалари, кечинмалари ёки иродасига боғлиқ. Инсонларда ахлоқнинг намоён бўлишида мутлоқ ёки ахлоқий иродани алоҳида ажратиб кўрсатади. Юқорида тилга олинган, субъектив ирода энди ўзини мутлоқ иродага айланиши яъни у билан объектив бутунликка эришиши керак. Файласуф таъкидлашича, ахлоқнинг пайдо бўлишида субъектив ирода муҳим рўл ўйнайди, чунки эркинлик ўзини фақат субъективликда кўрсатади. Шунингдек субъектив эркин ироданинг, мулкка эгалик қилиши, битим ва ёлғондаги бевоста иштироки уни мутлоқ иродага айланиш имкониятини беради. Ахлоқда инсонга хос манфаат сўроқ остида бўлиб, у инсоннинг ўз-ўзини англаб етиши ва ўзини мутлоқ деб ҳис қилишида намоён бўлади. Файласуф мутлоқ ирода ва субъектив ирода орасидаги фарқни қуйидаги ёндашуви билан фарқлашга ҳаракат қилади.

¹⁶⁵ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. page.28.

¹⁶⁶ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. page.40.

“Маданиятсиз одам табиатнинг кучлари ва ҳодисалари томонидан бошқарилади. Болаларнинг ахлоқий иродаси йўқ ва улар ота-оналари томонидан бошқарилади”¹⁶⁷. Бу билан субъектив ироданинг алоҳида шахс манфаатларига хизмат қилиши ахлоқий ирода эса, жамият аъзоларига нафи тегишини назарда тутмоқда дейишимиз мумкин. Ушбу ёндашуви орқали Гегел ҳаммани ахлоқли бўлишга чақирмаяпти балки, “ахлоқ бир вақтнинг ўзида ахлоқсизликка қарши эмас, худди ҳақиқат ёлғонга тўғридан-тўғри қарши бўлмагани каби”¹⁶⁸. Демак ахлоқ инсонларнинг ўз тақдирини ўзи белгилашини кўрсатиб беради. Гегелга кўра ахлоқий ирода уч омилга эга:

- а) мақсад ва жавобгарлик;
- б) ният ва эзгулик;
- с) яхшилик ва виждон.

Мақсад ва жавобгарлик тушунчасининг талқин қилишда субъектив ироданинг амалга ошишидаги ташқи предметлар ва вазиятларнинг мавжуд таъсирига эътибор қаратиш лозим. Маълум бир мақсад асосида хатти-ҳаракат ўзидан олдинги мавжуд борлиққа ўзгартириш киритади. Бу хатти-ҳаракат асосида субъектив ирода ётади дейишимиз мумкин. Киритилган ўзгариш мавжуд меъёр талабларини бузса жавобгарликни келтириб чиқаради. Ҳар бир якка ҳолат ўзини маълум шарт-шароит, асос, сабаб каби вазиятларда намоён этади. Гегелга кўра, ҳар қандай шахснинг хатти-ҳаракатига, унинг мақсадига қараб баҳо бериш мумкин. Мақсад тушучаси субъектив ироданинг ташқи шакли бўлиб, ироданинг шу ташқи тарзда ифодаланишига қараб жавобгарлик масаласини аниқроқ англаш мумкин.

Ният ва эзгулик ҳам Гегел ахлоқий қарашларининг муҳим қисми ҳисобланади. Аниқроқ айтганда ахлоқнинг иккинчи муҳим элементиدير. Ният ҳам мақсад каби хатти-ҳаракатнинг ички элементини ташкил этсада лекин у “Гегел томонидан қасддан умумийроқ ва шу туфайли қасдни ҳам ўз ичига олувчи субъектив ихтиёрнинг умумий аниқловчи тушунчасида мавжуд бўлади”¹⁶⁹. Масалан: Рус императори Николай I 1847 йили ўз мақсадини амалга ошириши учун Раим ва Копал истеҳкомларини бунёд қилиш ҳаракатини бошлади, уларнинг бу ҳаракати Туркистондаги давлатлар аҳолиси ва

¹⁶⁷ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. pages.97-98.

¹⁶⁸ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. page.98.

¹⁶⁹ Фахриддин Муҳитдинов, “Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси”, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, Тошкент. 2007. 55-бет.

амалдорлари орасида “русларнинг нияти нима ўзи” қабилида гапларни кўпайтирган. Шу боисдан ният хатти-ҳаракатнинг субъектив моҳиятини ташкил этади дейишимиз мумкин.

Гегелга кўра, ният хатти-ҳаракатнинг ички тушунчаси бўлса, ниятга бўлган ҳуқуқ ҳам ўз ҳолича мавжуд бўлмайди. Шунда ният хатти-ҳаракатни амалга ошираётган шахсга маълум бўлиб, унинг субъектив иродасидан келиб чиқади. Ушбу хатти-ҳаракатнинг мақсади бевосита ахлоқийликка асосланиши керак. Фақатгина ахлоқийликгина ундаги мақсадни умумийликка, ниятни эса хусусийликка англашга асос бўлади. Яъни хатти-ҳаракат субъектив бўлиши мумкин лекин унинг натижаси бошқа иродаларга ёки умумийликнинг эҳтиёжларига зид келмаслиги керак. Мана шу кескин зидликдан йироқлашиш – “ниятнинг эзгулик билан боғлиқ бўлиб, у эса ўз навбатида ахлоқийликка тааллуқли тушунчадир”¹⁷⁰.

Яхшиликни алоҳида инсондаги ўрнини белгилаганда, уни субъектив ва ахлоқий ироданинг муштарак тушунчасидаги ғоя сифатида талқин қилса бўлади. Бир шахс томонидан бошқасига қилинган яхшилик эркинликнинг жамият ҳаётида амалга оширилган ҳолатини кўрсатади. “Яхшилик - бу ғоя ёки ирода тушунчасининг муайян ирода билан бирлиги”¹⁷¹ дея таъкидлайди Гегел. Яхшилик ғоясида фаровонлик алоҳида ироданинг рўёбга чиқиши эмас, моҳиятига кўра умуминсоний фаровонлик сифатида қадрланади. Демак, фаровонлик субъективлик эмас, объективлик касб этса яхшилик билан бир маънода келади. Субъектив ирода ўзида эзгу мақсад ва ниятга эга бўлгандагина яхшилик учун энг муҳим бўлга кадр ва кадриятга эга бўлади. Файласуфга кўра яхшилик, ироданинг мазмун-моҳияти, умумбашарийлигини ва ироданинг ҳақиқатини белгиловчи мезон ҳамдир. Яхшилик субъект иродасининг моҳиятини ташкил этар экан, бу унинг учун мажбурият ҳамдир.

Дастлаб субъектив иродадан пайдо бўлиб, кейин умумийликка даҳлдор бўлган яхшилик – Гегел томонидан универсал бурч сифатида ҳам таърифланади. Шунингдек у бажарилиши мажбурий бўлган бурчдир. Бизга маълумки, фалсафада ахлоқни энг кўп тадқиқ қилган мутафаккирлардан бири И.Кантдир. Айнан у ахлоқда бурч тушунчасини тадқиқ қилган. И. Кантнинг

¹⁷⁰ Фахриддин Мухитдинов, “Гегелнинг ҳуқуқ фалсафаси”, Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти, Тошкент. 2007. 57-бет.

¹⁷¹ G.W.F. Hegel, The Philosophy of Right / Translated by S.W. Dyde. Ontario, 2001. page.110.

таъкидлашича, бурч ахлоқ ва ҳуқуқнинг ҳам манбайи ҳисобланади. “Инсоннинг эркинлиги унинг табиати билан эмас, балки "мажбурият принтсипи" яъни бурчи билан берилади”¹⁷². Ўз навбатида Гегел, Кантдаги бурчни ривожлантирди дейишимиз мумкин.

Гегелда яхшилик ва бурчнинг ўлчови виждондир. У яхшилик тушунчасига нисбатан чуқурроқ ҳамда инсон ички ҳолатининг юксак босқичи ҳисобланиб, у ўзини айнан тафаккур сифатида ва у билан боғлиқ ҳолда билади. Гегелдаги ҳақиқий виждон бу – “мутлақ яхшиликни хоҳлаш мойиллигидир”¹⁷³. Виждон файласуфнинг таъкидалишича, субъектдаги ироданинг формал жиҳатини намоён этиб, у субъектив ўз-ўзини айнан ички тарзда кўришнинг ҳамда ўзида ҳуқуқ ва бурч нима эканлигини, яхшилик сифатида муайян нарсани қабул қилишлик ёки ҳеч нарсани қабул қилмасликни англашнинг, шунингдек субъектнинг виждон тушунчаси ҳақидаги айнан у билган ҳолда мавжудлигини англашга оид мутлоқ ҳуқуқни ифода этади.

Шундай қилиб, Гегелдаги виждон субъектив иродага тегишли бўлган ички абстрактив шаклдаги тушунча бўлиб, у бевосита ўзи ва умумийликка дахлдор яхшилик ва бурчни амалга оширишни назарда тутувчи ирода этиш ҳуқуқининг ўзида мавжуд бўлганидагина ҳақиқатга айланади. Шунингдек, виждон эзгулик ҳақида фикр юритиш билан боғлиқ ва мутлоқ яхшиликни англаб етишга олиб келадиган объектив ҳаракатни ҳам ифода этади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Гегелдаги ахлоқ, ҳуқуқ тушунчаси билан узвий боғлиқ бўлиб, диалектик қонуният орқали хусусий, субъектив, абстракт ҳуқуқдан ривожланиб бориб у ўзини ахлоқ сифатида намоён этади ва жамият ҳаётида муҳим рўл ўйнай бошлайди. Ахлоқ тўла қарор топган босқичда алоҳидаликнинг умумийликка томон мақсад ва жавобгарлик, ният ва фаровонлик, шунингдек яхшилик ва виждон орқали диалектик жиҳатдан ривожланиб борганини кўришимиз мумкин. Айнан яхшилик ва виждон деб номланувчи Гегел ахлоқининг учинчи қисми инкорнинг инкори сифатида намоён бўлди ва кейинги ижтимоий ахлоқ босқичида оила, фуқаролик жамият ва давлат ҳаётида ҳам ўзини кўрсатади дейишимиз мумкин.

¹⁷² В. М. Артемов, *Философия и общество*, “Этико-правовые идеи философии права И. Канта и Г. В. Ф. Гегеля”. 2018. С.66.

¹⁷³ G.W.F. Hegel, *The Philosophy of Right* / Translated by S.W.Dyde. Ontario, 2001. page.116.